



ССЖИ ИИВ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ВА ҚЎШИНИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ССЖИ ИИВ ҲАЙЪАТИ ИТТИФОҚДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

ССЖИ ИИВ Ҳайъати, иттифоқдош жумҳуриятлар вазири мамлакатдаги жиноятчилик билан кураш аҳволидан чуқур ташвишланиб, барча шахсий таркибни мана шу масъулиятли дамларда фаоллик билан, мулоҳаза билан ҳаракат қилишга чақиради.

Бу беғиз эмас, албатта. Жамиятдаги таҳликали вазият зўраймоқда, одамлар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатини йўққа чиқарадиган жараён ривожланмоқда. Айрим минтақаларда бузғунчи кучлар ҳуқуқ-тартибот ходимларига асабий тазийқ ўтказишни кучайтирмоқдалар, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш йўлида уларни бир-бирига зид сиёсий оқиملарга тортишмоқда, бевосита вазифани ўташдан чалғитишмоқда. Мана шундай вазиятда ёлгон чақирғиларга берилмаслик, сиёсатбозлик билан ҳақиқатни ажрата биллиш, онглилик, чидам ва ақл-идрокни намоён этиш керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари тобора кўпроқ ҳаётларини хавф остига қўйиб, турли қиёфадаги жиноятчи унсурлар билан курашмоқдалар. Ҳуқуқ-тартибот ходимларига қаратилган маълум мақсадни кўзловчи ҳужумлар, очиқдан-очиқ бўхтон дўлдай ёғилса ҳам, Ватаниннг соғлом фикрли фуқаролари ҳозирги ўта танг вазиятни меъёрига келтириш шахсий таркибнинг матонатига, ўз бурчига садоқатига кўп жиҳатдан боғлиқлигини тўла ҳис қилиб турибди.

Кескин сиёсий мусоҳаба бораётган шароитда милицияга қарши қайфият, ИИВ идораларига нисбатан салбий муносабат шаклланишига асос бермаслик керак. Шунинг билан табиқ керакки, милиция жамиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бугун ҳам халқ милицияси ҳар қачонгидан кўра халққа яқин бўлиши шарт. Қонуннинг бор кучига таянган ҳолда унинг манфаатларини ҳимоя қилиши зарур. Бу ходимлардан малакалилик, ўта уюшқоқлик ва батартиблик, жисмоний ва маънавий кучларни бир нуқтага жамлашни, матонатни талаб этади. Ҳимиздаги ана шундай хислатларни ишга солишимиз керак. Зотан давлатимиз, демократия, халқимиз хизмат фаолиятимиздаги етилган муаммоларни ечиш имкониятларини қидирмоқда ва топмоқда.

Мажбурий давлат суғуртаси, иш ҳақларининг оширилиши, пенсия таъминотининг яхшиланиши ИИВ идораларида кадрлар потенциални мустаҳкамлаш ва сақлаш учун қўлай шароитлар яратмоқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, ИИВ системаси бирлигини сақлаб қолиш, унинг бир маромда ишлаши билангина жиноятчиликка

қарши муваффақиятли курашиш мумкин бўлади. Бу ҳақда шу йил 15 февраль кунини ССЖИ Президенти М. С. Горбачев билан Ҳайъат аъзолари ва иттифоқдош жумҳуриятлар ички ишлар вазири учрашувида сўз юритилди. Ҳайъат томонидан 1991 йилга мўлжалланган тадбирлар ҳам шунга қаратилган.

Ходимлар касб бирдамлигининг ўта муҳимлигини эътиборга олиб, биз сизларни хизмат жамоаларини сиёсий ва миллий негизда парчалаб ташланишига йўл қўймаймиз, иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида амалдаги қонунчилик асосида ўзаро ҳамкорликни ва иш юзасидан алоқаларни сақлаб қолишга чақирамиз.

ССЖИ ИИВ ички ишлар идоралари ва қўшини шахсий таркиби мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга солади, жамият осойишталигини сақлаш, фуқаролар бирлиги ва миллий тотувлик кафолати бўлиб қолади, деб ишонч билдирамайди.

Ўз навбатида ССЖИ ИИВ Ҳайъати, жумҳуриятлар ички ишлар вазирилик ҳар бир ходимни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда маънавий қувватлаш учун барча чораларни кўради.

1991 йил 15 февраль.



СУРАТДА: Киров туман ички ишлар бўлими катта опервакили Толибжон Сиддиқов (ўнгдан иккинчи) жиноят қидирув бўлими инспекторлари билан суҳбатда. Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

ЮРАККА САНЧИЛГАН ПИЧОҚ

Ушбу сонни лойиҳалаштириш ниҳоясига етай деб қолганда, дам олиш кунини бўлишига қарамадан, телефон кўнғирогининг овози диққатимизни бўлди.

— Тошкент шаҳар ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг 4-ротаси командири милиция капитани Икром Мамадалиевман.

— Хизмат, Икром ака!

— 22 март кунини кечки пайт еттиларда ротамиз милиционерини милиция кичик сержанти Урозбек Иброҳимов хизмат бурчини ўтаётган, оғир тан жароҳати олди...

Жумҳуриятимизнинг бош шаҳрини ичимлик сув билан таъминловчи иншоотни пухта қўриқлаш нечоғлик зарурлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун У. Иброҳимов сув ҳавзасига яқинлашаётган йигитни тўхташ мақсадида унга қарши чиқди.

Орқа-олдига қарамай қочиб қолгани шубҳа уйғотиб, милиционер уни таъқиб қила бошлади. Бўзсув устидаги темирновдан ўтгач, қочқонни нариги қирғоқда иккита шериги қутиб турганига кўзи тушди. Улардан бири тўсатдан ташланиб, У. Иброҳимов кўксига пичоқ урди. Ҳайрат билан келган аллақандай куч билан ноинсоний сғриқни енгиб, тўппонча ўқталиб, ганимларнинг бирини

миқ этказмай турди. Унинг ҳолдан тойишига умид боғлаб турганларнинг режасини Урозбекнинг сафдоши милиция катта сержанти Юнус Бўратоев пучга чиқарди. Ҳавога узилган оғоҳлантирувчи ўқ овози рота навбатчиларини оёққа турғазди. Жиноятчилардан бири қўлга олинди. Унинг шерикларини аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилмоқда.

Шифохонада эса ўта оғир аҳволда келтирилган Урозбекнинг қил устида турган ҳаёти учун кураш кетарди. Урта Осиё тиббиёт-педиатрия олий билимгоҳи клиникасининг бўлим мудирини Баҳром Шахизиров, жарроҳлар Абдуғафур Абдумажидов, Ғайрат Каримов, анестезиологлар Шухрат Очипов, Людмила Чумаковалар бир неча соат давомида операция столидан бош кўтармадилар. Камёб 4-гурӯҳдаги қонини кўп йўқотган Урозбекка ҳамкасблари қон берилди. Бироқ унинг ҳаёти ҳамон хавф остида. Шунинг учун қони 4-гурӯҳ бўлган олийжаноб инсонлардан мазкур шифохонаниннг жарроҳлик бўлимига учрашларини сўраймиз.

Зеро Сиз билан бизнинг тинчлигимиз йўлида қон тўққан УРОЗБЕК ЯШАШИ КЕРАК!!!

Ғайрат ЖУРА.

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол бозорини барқарорлаштириш, серунум меҳнатга қизиқишни кучайтириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чайқовчиликка ва пинҳоний иқтисодийта қарши курашиш мақсадида, СССР халқ депутатлари IV съездининг қарорларини ижро этиб, ҳамда ССР Иттифоқи билан республикаларнинг нарх белгилаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида умумий сиёсат ўтказиш тўғрисида эришилган битимига асосланиб, қарор қиламан:

1. Нарх-наво асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, умумиттифоқ бозорининг барқарорлигини сақлаш учун аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларнинг республикалар билан келишилган рўйхатларига биноан давлат чакана нархларини оширишнинг бутун мамлакат ҳудуди учун ягона чегаралари белгилаб қўйилсин.

СССР Вазирлар Кабинети билан иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари мазкур молларнинг янги давлат чакана нархларини, шунингдек темир йўл, авиация ва денгиз транспортида пассажир ташиш, аҳоли учун алоқа хизмати тарифлари уларни оширишнинг келишиб олинган охириги миқдорини эътиборга олиб, белгиланган тартибда таъминласинлар. Республикалар ўз ҳудудинда ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган айрим молларга пастроқ нархлар белгилашлари мумкин. Республика идоралари ва

маҳаллий идоралар, корхона ва ташкилотлар ўзлари белгилаган ҳамда ушбу фармонга мувофиқ тасдиқланган давлат чакана нарх белгиларидаги нархларнинг юқори даражасидан ортиқ бўлган ҳамма нархларнинг амал қилишини бекор этсинлар. Бундан буён давлат нарх белгиларидаги чакана нархларнинг даражасини оширишга йўл қўйилмасин. Янги давлат чакана нархлари ва тарифлари 1991 йил 2 апрелдан кучга киритилсин. Нон ва нон маҳсулотлари, ун, ёрма, макарон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва балиқ, сариеғ ва ўсимлик ёғи, тухум, қанд-шакар, чай, туз, болаларга аталган моллар, оммавий турдаги қурилиш материаллари ва

мебеллар, шунингдек аҳолининг турли ижтимоий табақалари ва гуруҳлари даромадлари даражасини эътиборга олиб, республикалар белгиланган рўйхатдаги бошқа ашёвий моллар давлат чакана нархларини оширишдан тушадиган маблағнинг ҳаммаси аҳолига компенсация тўлаш учун ишлатилсин. Дори-дармонлар ва табобат буюмларининг, кофе, синтетик толадан туқилган газлама ва ундан тайёрланган буюмлар, синтетик материаллардан ишлаб чиқариладиган пойабзал, мўйна, трикотаж, пайпоқ ва ўйинчоқларнинг, аҳолига сотиладиган бензин, керосин, электр энергия, газ, кўмир, печь ёқилғиси ва ўтинининг, шунингдек арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

Нарх-навонинг ошишини тўхтатиб туриш учун дори-дармон, гўшти, сутли, балиқли маҳсулотларнинг ҳамда аҳоли истеъмол қиладиган бошқа ижтимоий аҳамиятга молик молларнинг нархларига берилётган дотациялар қисман сақлаб қолинсин. 2. СССР Вазирлар Кабинети билан иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари чакана нархларни либераллаштиришни изчиллик билан амалга ошириб, шартномавий (эркин) ва тартибга солинадиган нархлар бўйича сотиладиган халқ истеъмол моллари рўйхатини келишилган ҳолда кенгайтиришни давом эттирсинлар ҳамда ортиқча фойдани олиб қўйиш ва нархлар кўтарилиши чегараларини жорий қилиш йўли билан нархларни монополия тарзида кўтарилишини тўхтатиб туришдан иборат умумий сиёсатни ўтказаверсинлар.

(Давоми 2-бетда).

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. СССР Вазирлар Кабинети билан иттифоқдош республикаларнинг ҳокимият идоралари нарх белгилашнинг ўрнатилган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилсинлар, нархлар интизомини бузадиган корхоналар, ташкилотларни ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортинлар.

4. Аҳолининг чакана нархлар ва тарифлар ошиши муносабати билан қиладиган кўшимча харажатлари 1990 йилда аҳоли давлат ресурсларидан ҳақиқатда истеъмол қилган молларга ва хизматларга асосланиб, иш ҳақини, пенсияларни, нафақалар ва стипендияларни ошириш, шунингдек болаларга ва меҳнатга лаёқатсиз бошқа боқимдагиларга компенсация тўловларини жорий қилиш йўли билан қоплансин. Бу тўловларга солиқ солинмайди. Нархлар ва тарифларни оширишдан тушган маблағнинг бир қисми таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва ҳужжатхона муассасалари системасининг етакчи касб ходимлари иш ҳақини ошириш мақсадига сарфлансин.

Мазкур даромадларнинг энг оз миқдорлари ва уларни оширишнинг умумий тартиби давлат кафолатлари СССР Вазирлар Кабинети томонидан аҳоли гуруҳлари бўйича табақалаштириб белгиланади. Компенсация тўловларининг аниқ миқдорлари ва тартиби маҳаллий яшаш шaroитларини ва истеъмол тартибини эътиборга олиб, иттифоқдош республикалар томонидан белгиланади.

Компенсация тўловлари олдинроқ, янги нархлар жорий

этилгунча, шу йилнинг 20 мартдан берилса бошлансин.

Шу мақсадда: давлат корхоналари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, колхозлардаги меҳнат ҳақи, шунингдек пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар фуқаролар тегишли тоифалари учун нархлар ошиши компенсацияси миқдорларига асосланиб оширилсин;

ишловчиларга компенсациялар бошланғич даврда иш ҳақига махсус қўшимчалар тарзида тўланиб, кейинчалик улар тариф ставкалари ва мансаб окладларига қўшилсин; тариф ставкалари ва мансаб окладларини кўриб чиқиш билан айна бир вақтда фуқароларнинг солиқ солинмайдиган ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдори 160 сўмгача оширилсин ва фуқароларнинг ойига 60 сўмдан ортиқ даромадларидан олинмайдиган даромад солиғи ставкасининг миқдорлари камайтирилсин, шунингдек корхоналар ва ташкилотларнинг фойдасига солинадиган солиқ ставкалари 35 фоизгача камайтирилсин; давлат ставкалари ва окладларини қўлланувчи жамоа ва кооператив хўжаликларига, жамоат ташкилотларига, ишловчиларнинг меҳнат ҳақини давлат корхоналари учун белгиланган тартибда ошириш тавсия қилинсин;

болаларга аталган моллар қимматлашувининг ўрнини қоплайдиган тўловлар болали оилаларга аниқ мақсадни кўзлаб бериб борилсин; ижтимоий соҳа муассасаларида (касалхоналар, интернатларда, кексалар ва ногиронлар учун уйларда, мактабгача тарбия ва бошқа му-

ассасаларда) фуқароларни боқиш учун пул билан қилинадиган харажат нормалари кўпайтирилиб, аҳоли шу тоифасининг зарур ижтимоий ҳимояланиши таъминлансин.

СССР Вазирлар Кабинети «СССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинмайдиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР Қонунига, шунингдек «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинмайдиган солиқлар тўғрисида» ва «1991 йилги Иттифоқ бюджет тўғрисида»ги СССР Қонунларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Олий Кенгашига тақдим этсин.

Республикаларнинг ҳукуматларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига аҳолининг кам даромадли табақалари пул компенсацияларини ижтимоий ёрдамнинг ҳар хил турлари — бепул овқатлантириш, кексалар ва ногиронлар учун дори-дармон ва уларга аталган моллар ҳақини тўлаш билан, шаҳар ва шаҳар атрофи транспортдан фойдаланиш учун энгилликлар бериш ва шу кабилар билан тўлдириш тавсия қилинсин.

5. СССР Вазирлар Кабинети билан республикаларнинг ҳукуматлари чакана нархлар оширишдан олинган маблағнинг бир қисми ҳисобига барча республикаларда аҳолига, шунингдек ҳарбий хизматчиларга ва Иттифоқ бюджет маблағи ҳисобидан даромад оладиган бошқа фуқароларга белгиланган энг оз компенсация тўловларини таъминлаш учун аҳолига ижтимоий мадад бериш ягона иттифоқ-республика молия жамғармасини ҳосил қилсинлар.

6. СССР Вазирлар Кабинети, Иттифоқ-республика валюта комитети, республикаларнинг ҳукуматлари чакана нархлар ислоҳотини ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини муваффақиятли амалга ошириш учун шароит яратиш чора-тадбирлари сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар, бунда 1991 йилда озик-овқат ва бошқа моддий ресурслар етказиб бериш тўғрисидаги иқтисодий битимда кўзда тутилган чора-тадбирларни биринчи галда амалга ошириш назарда тутилсин. СССР Давлат банки билан республикаларнинг банклари аҳолига компенсация тўловлари учун зарур миқдордаги пул белгилари йиғилишини таъминласинлар;

7. Чакана нархлар бир йўла оширилишидан СССР жамғарма банки омонатлари ва сертификатлари ҳамда давлат қозғоқ пуллари эгалари кўрадан зарарни қоплаш тадбирларини амалга ошириш зарур деб топилсин;

8. Давлат томонидан назорат қилинадиган чакана нархларни либераллаштириш муносабати билан аҳоли даромадларини индекслаш воситаси ишлаб чиқилсин.

Шу мақсадда СССР Вазирлар Кабинети аҳоли даромадларини индекслаш ва энг оз истеъмол бюджетини белгилашнинг умумий принциплари масаласига оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини бир ҳафта муддатда тақдим этсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 19 март.

ТЕКИНТОМОҚЛАР УШЛАНДИ

Шу йил 30 январь куни Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Қайирма қишлоғида яшовчи Ҳақимжон Раҳимидиновнинг уйига ўғри тушди. Номалум шахслар қуюқ туман тушганидан фойдаланиб, кундуз соат 1 ларда иккита палос ҳамда темир сейфни ўмариб кетишди.

Уша қуниёқ Қува тумани ИИБ бошлиғи буйруғига биноан участка инспектори Еқубжон Фозилов, ҚЖБ оператив вакили Рустанжон Холматов, милиционер-кинолог Абдумул Мадазимов ва милиционер Абдуманно Шералиевдан иборат оператив гуруҳ ишга киришди.

Ниҳоят 4 февраль куни шу қишлоқда истиқомат қилувчи фуқаролар ёрдами билан биронинг мулкига кўз олайтирган текинтомоқлар аниқланди. Шу қишлоқлик, 1965 йилда туғилган, 8-механизациялашган кўчма колоннада ишловчи Шухрат Камолов ҳамда унинг ҳамтовоғи бўлмиш қувалик новвой Абдумуса Эралиевларни юзасидан ҳозирги кунда текширув ишлари олиб борилмоқда.

Р. РАҲИМОВ,
Фарғона вилояти.

Судга ҳавола


Шаҳрисабз матлубот жамаиятига қарашли 35-оёқ кийимлар дўкони мудри Сайёра Хайруллаева ўз ишига «пухта» аёллардан. Лекин ўта пухталик ҳам баъзан панд бериб қўяр экан.

Утган йил 21 декабрь куни шаҳар ИИБ ходими, милиция капитани Эргаш Зокиров ана шу дўконида 445 сўмлик камёб моллар яшириб қўйилганини аниқлади.

С. Хайруллаева устидан ЖМнинг 1772-моддаси 1-қисми билан иш кўрилди. Дўкон мудри қандай жазоланади, энди бу халқ судига ҳавола.

Р. УСМОНОВ.

(Давоми. Боши 26, 27-сонларда)



КУЗГУНЛАРНИ ЕНГАН ИРЮРЧА

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

Мен бир оператив вакил сифатида таъкидламоқчиманки, бизларга бирорта маънили, ҳуқуқий жиҳатдан асосли саволлар берилмади. Бу жараён на терговга, на бошқа нарсага ўхшарди. Мен у ерда кўрган хўрликларимиз, эшитган ҳақоратларимиз ҳақида гапирмоқчи эмасман.

Ҳа. Гайданов, Лаптев, яна кимларнингдир олдиндан режалаштирилган тузоғи иш бергани содда одамга ҳам тушунарли.

Шу пайт хона эшигини тақиллатиб, жавобини ҳам кутмай уч киши кириб келди. Икки четдаги йигитлар ўртадаги йигитнинг икки қўлини маҳкам ушлаб олганлигига ажабландим.

Темур аканинг эса юзи ёришиб, қувончдан ййраб кетди.

— Биласизми, ахир бу 1989 йилдан бери Бутуниттифоқ миёсидида қидирилатган жиноятчи Архабой Тасқулов бўлади. Яшанглар йигитлар! Қаерда қўлга олдинглар?

Менинг кўз олдимда А. Тасқуловнинг қўлларига кишан солишиб олиб чиқиб кетишди. Темур ака ҳамон ёш болалардай қувончини яшира олмасди. Унинг кайфиятини бузмаслик учун алланарсалар ёзаётгандек қозғоқ бўйлаб қалам юргизаман.

— Менинг йигитларим азамат-да. Қаранг, кечирасиз сизга таништирмабман, ҳозирги сочлари қоп-қора, жингалак, мен тарафда тургани Ҳайридин Миромлимов бўлади. Руслан Гайфуллинимиз ўғирлик содир бўлган жойга

кетган. У ҳам «қуруқ» қайтмайди. Ишимиз ўзига яраша беҳаловат. Аммо йигитларим ундан завқ олишади. Берилиб ишлашади. Ҳақиқий йигит касби бу.

Ҳайридин ишга тушган куни эртасигаёқ бир жиноятни очган. Тасаввур қилинг-а, беш йил қанчадан-қанча азобларни, қийинчиликларни бошдан кечириб, руҳан эзилиб...

Йўқ, Темур ака гапларини давом эттира олмади. Чунки бу ҳақда гапирининг ўзи яна қайтадан бошдан кечирини демакдир.

Яна оғир сукунат чўқди. Хонага Ҳайридин кирганидагина нигоҳини узиб, мени таништирди. Ҳайридин бошлиқнинг олдида тортинибми, ёхуд у кунларни эслагиси келмайми, оҳиста ўриндиққа ўтирар экан юзлари тундлашди. Орадаги жимликни чўзмаслик учунми Темур ака секин гап бошлади.

— Тошкент қамоқхонасида ётганимизда очлик эълон қилганимизни айтай. Тўққиз кун деганда Ҳайридин йиқилиб қолди, ўн биринчи кун Руслан, аммо бирон зот келиб сабабини суриштирмади. Ун тўрт кун ўтганда қамоқхоналар режими назорати бўйича прокурор Чайкин деган одам келди. Минг афсуслар бўлсинки, очлик

эълон қилишга нима мажбурлади, деб ярим оғиз сўз сўрамади. Аксинча, ўзинларга жабр қилиб нима қиласанлар, овқат энглар, тамом бўлиб қолисанларку, буним кимга кераги бор, бу билан ҳеч нарса ютмайсизлар, дейишдан нари ўтмади. Ростдан ҳам ҳеч кимга кераги йўқ экан. «Ўзингларга жабр», деганича бор экан. Ҳолбуки, «қамоқхона режими» бузганимиз учун яна бир моддани илиб қўйишди. Қонуннинг устида ўтириб, унинг энг кичик вазифаларини ҳам билмаган, билиб туриб амал қилмаган қонуншуносларни нима деб аташ мумкин?!

Кейинчалик судья Мустафин биздан минг узр сўраб, уни мажбур қилишганини, яна бир йилдан сўнг олдига келса, ўзи бизларни оқлашини айтди. Лекин кўп ўтмай хатосини ўзи кечира олмади шекилли, юрак хуружидан оламдан ўтди.

— Пешонамгача қўлларини бигиз қилиб: «Сенлар, ўзбеклар, порахўрсанлар, икки миллионни сувдайин ичиб юборгансанлар, ҳали биздан қарзларинг кўп», — деб ўдагайлашгани ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Миллий гуруримни паймол қилгани ҳақида айтмасам ҳам бўлади. Ахир, бизлар жиноятчи

эмас эдик-ку. Ашаддий жиноятчиларга ҳам бундай муомала қилиш мумкин эмасди-ку?! Кўрган хўрликларимдан ҳам ота-онамнинг мен туфайли касалмайд бўлиб қолгани қийнайди, — дея маънос сўз бошлади Ҳайридин. — Биз, 1987 йили озодликка шартли чиққан бўлсакда, бир йилгача паспортсиз юрдик, ҳеч қаёққа кетмаслик ҳақида тилхат ёздириб олишларининг ўзи кулгили. Дуч келган ишларда ишладик. Ҳар хил гапларни эшитдик. Энг қора ишларни қилишга мажбур бўлиб, аммо инсон номига доғ туширмадик. Қўлимиздан келганича бир-биримизга таскин бердик. Адолатнинг борлигига ишондик.

1989 йил декабрь ойида жумҳурият прокуратураси ишни қайта кўриб чиқиб, айбни бекор қилди. Бекор қилишга қилдику-я, аммо...

— Менинг ота-онам ёшлигимда вафот этишган. Бу кунларни кўрмаганига шукур қиламан, — дейди Темур ака гапнинг овозда. — Айбни бекор қилишди, бироқ Гайданов, Дидоренко, Лаптевлар ишдан кетмагунларича бизларни милицияга тикламадилар.

— Рухсат этинг...
— Ана, учинчи шеригимиз. Руслан деганимиз шу йигит бўлади.

ИШИМИЗДАГИ ТЎСИҚЛАР

Хуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш ҳар бир милиционернинг қонуний бурчи ҳисобланса-да, бироқ патрул-пост хизмати ходимларининг фаолияти бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу соҳадагиларнинг асосий вазифаси жамоат жойларида кўнгилсизликларнинг олдини олиш ва тартибни сақлашдан иборатдир.

Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати ротаси ва бўлимлари вилоятимизнинг оператив вазият мураккаб бўлган Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Бухоро шаҳарларида ва Гиждувон, Ромитан, Когон туманларида ташкил этилган.

Шу кунларда жумҳуриятимизнинг вилоятларида Иттифоқ Президентининг фармонида биноан милиция ходимлари ва СССР қуроли кучлари бўлимлари вакиллари жамоат тартибини сақлаш учун ҳамкорликда патруллик қилишмоқда. Бу, албатта, ўзининг самарасини бермоқда.

Аммо бизнинг вилоятимиз ҳудудида бундай ҳарбий бўлимларнинг камлиги сабабли патруллик хизматини амалга оширишда кенг жамоатчилик кучидан унумли фойдаланиб келинмоқда. Натижада жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида содир этилган хуқуқбузарликлар миқдори ўтган йил шу даврга нисбатан анча камайди. 1990 йилда патрул-пост хизмати милиционерлари томонидан 911 жиноят очилган бўлиб, булардан 86 таси хизмат маршрутларида, қолган 825 таси эса кўчаларда ва бошқа жойларда содир этилган кўнгилсизликлардир. Шунингдек, маъмурий хуқуқбузарлик содир этганлиги учун 11297 кишига тегишли чора кўрилган.

Бу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида эса шу соҳа ходимлари ўн тўртта мураккаб жиноятнинг очирилишига муваффақ бўлдилар. Жумладан, иккита талончилик, тўртта тан жароҳати етказиш ва саккизта ўғирлик фош этилди. Бундан ташқари 847 киши маъмурий хуқуқбузарлик содир этгани учун жавобгарликка тортилди. Йигитларнинг аниқ ва пухта ҳаракати натижасида бугунги кунда тез-тез содир этилиб турган ўғирлик, безорилик, талончилик ва бошқача қонунбузарликларга кескин барҳам берилмоқда. Масалан, шу йил 5 январь кунини «Варахша» меҳмонхонаси ресторанидан фуқаро А. Сувоновнинг 350 сўмлик жинси курткеси ўғирланди. Аммо жиноятчи узоққа кетолмади. Шу атрафда ўз хизмат бурчини ўтаб юрган патрул-пост хизмати ротаси милиционери, милиция катта сержанти Отажон Отажонов эпчиллиги натижасида ўғри шу пайтнинг ўзидаёқ қўлга олинди.

Лекин, кези келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ходимларнинг хизматларида талайгина муаммолар ҳам мавжуд. Шулардан бири улар хизмат қилаётган шаҳар ва туманлар аҳолисининг сони йилдан-йилга ошиб, жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлигига қарамасдан, патрул-пост хизмати милиционерларининг сафи кенгайтирилмасдан, бир хилда сақланаётганлигидир. Масалан, аҳолиси жуда кўп бўлган Гиждувон ва Навоий туманларида бор-йўғи олтитадан ППХ ходимлари хизмат қилмоқда, холос. Бунинг устига Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларида хизмат қилаётган бу соҳа милиционерларини турар-жой билан таъминлаш масаласи ўз вақтида ҳал этилмай келинмоқда.

Асосий муаммолардан яна бири патрул-пост хизмати милиционерларига бirkитилган хизмат автотранспортларининг озлиги, борларнинг ҳам яроқсиз, таъмирлашга муҳтож ҳолга келиб қолганлигидир.

Жиноятчилар яп-янги замонавий автомобилларда юриб, ўз қабиҳ ниятларини амалга ошираётган айни кунларда, милиция ходимларига бirkитилган транспорт воситаларининг бу қадар ночор аҳволдалиги кишини ташвишга солмай қўймайди.

Милиционерларимиз бир-бирлари билан алоқада бўлиб, вазиятни билиб туришлари учун гоё зарур бўлган илҳам радиостанция ва рақиялар билан тўлиқ таъминланилмагани эса дард устига чиққондир.

ППХ ходимларининг фаолиятида энг зарур бўлган, кўп йиллик тарихдан ўзининг инсонга содиқ дўстлигини яққол исботлаган изқувар ва ҳид олувчи хизмат итларидан фойдаланиш муаммосининг ҳал этилмаганлиги ҳам хуқуқбузарликка қарши курашни кучайтириш ишига тўсқинлик қилиб келмоқда.

Тўғри, бу муаммолар фақатгина ППХ ходимларигагина эмас, балки бошқа соҳа милиционерларига ҳам тааллуқли бўлиб, уларни бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Лекин барибир қўл қовуштириб ўтирмасдан, аста-секинлик билан бўлса-да, бу камчиликларни ҳал этишга киришилмоғи лозим. Шундангина ходимларимизнинг жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасида янада самаралироқ натижаларга эришишларига имконият яратилади.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходими.

ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЕҚТИРАДИ



Хоразм вилоятида милиция лейтенанти Собир Саъдуллаевни танимайдиган-билмайдиган ҳайдовчилар кам топилса керак. Чунки у бир неча йиллардан бери вилоят ИИБ ДАН туманлараро имтиҳон-рўйхат бўлимида қидирув инспектори сифатида ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

— Ҳар бир транспорт воситасини эринмай текширишимиз керак, — дейди у. — Агар биз юракдан хизмат вазифамизни адо этадиган бўлсак, машинасини вақтида техника кўригидан ўтказмаган кишилар, ҳатто машина ўғрилари кирдикорларини ҳам фойда эттишимиз мумкин.

СУРАТДА: С. Саъдуллаев ҳисобдан чиқарилаётган автомобилни кўздан кечирмоқда.
Суратқаш Саъдулла БОБОЕВ.

РУЛДАГИ ИЧУВЧИЛАР

Кейинги кунларда ичкиликни топиш қийинлашиб бораётганлигига қарамай маст ҳолда автомашина бошқариш ҳоллари тобора кўпаймоқда. Бу ўз навбатида йўл-транспорт кўнгилсизликларига олиб келмоқда. Жумладан, кайф ҳолда автомашина чамбарagini тутганлар томонидан шу йилнинг икки ойида 20 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Улар оқибатида 32 киши жароҳатланиб, 4 киши бевақт оламдан кўз юмди. Бу сингари бахтсиз тасодифларнинг олдини олиш мақсадида ДАНБ қошида 1990 йилнинг декабрида наркологик гуруҳ ташкил этилди. Ушбу гуруҳ иш жараёни давомида 865 ҳайдовчи ушланиб, улар турли жазоларга тортилиши.

Шу йилнинг 9 март кунини шахсий автомашинасини маст ҳолда бошқариб бораётган О. Бистровнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси олиниб, ўрнига вақтинчалик бошқарувга рухсатнома берилди. Аммо бундан ўзини хулоса чиқариб олмаган О. Бистров йўл назорати хизмат-

чиси милиция катта сержанти Т. Рихсиев томонидан 11 март кунини тўхтатилганда ҳам анчагина «отиб» олганлиги маълум бўлди. Милиция катта лейтенанти Ж. Ёқубов М 76 27 ТШ рақамли «ВАЗ-2109» автомашинасини тўхтатиб, ҳарбий хизматчи В. М. Селиннинг яхшигина кайфини бузди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу йилнинг икки ярим ойи мобайнида 1171 ҳайдовчи маст ҳолда автомашинани бошқариб бораётганларда тўхтатилди.

Наркологик гуруҳ аъзоларидан йўл назорати хизматчилари А. Мадрозиев, М. Назаров, Т. Рихсиев ва Ж. Бадаловларнинг ҳар бири ойига 25-30 нафар ҳайдовчи «ичувчиларни» ушлашмоқда. Бу шунча содир бўлиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиши деганидир.

Рамзиддин МУҲИТДИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими, милиция лейтенанти.

Йил эзилиб, овораяу сарсон юргангиздан ким ютди?! Ишга тикланганимиздан кейин бу йиллар учун ҳам маошмизни олдик. Аммо кимнинг ҳисобидан. Қилғиликни қилиб, номаъқулчиликларнинг тепасида турган кимсаларнинг чўнтагидан бир тийин чиқдимикан? Биз каби ўнлаб, мен бошқа соҳадагиларни айтмай қўя қолай, милиция ходимларини ноҳақ айблаб, сўнг кечирим сўрашдим? Мана ҳозир шулар туйғули соғлигимизга путур етган. Ким унинг ўрнини тўлдирди? Қалбимизга етган озорни-чи?

Ҳа, Темур аканинг гапида жон бор. Юртимизга қора қузғунлардек ёприлиб келган кимсалар шунчалар катта моддий, маънавий зарар етказишди-ю, аммо жазосиз қолишди. Мен руҳий зарар ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Эҳтимол, юртимизнинг мард, ишбилармон ўғлонларини жамиятдан айиргани учун ҳам бугунги кўргиликлар бошимизга тушаётгандир. Агарда улар жиноятчилар билан астойдил курашаётган темурларимизни, хайридинларимизни, русланларимизни қамашмаганларида эди, жиноятчилик бу қадар кўпайиб кетмаган бўлардики? Ходимларимизни бирма-бир ҳисба олаётган ўша кунларда жумҳуриятимизга жиноятчилар оқиб келгани ва ўшалар ҳисобига бугун жиноятчиликнинг ҳаддан зиёд кўпайгани бунга мисолдир.

Мени бир савол қийнайди. Нега бу «меҳмон» бўлиб келган прокурорларимиз жиноят содир этаётганлар бир четда қолиб, милиция ходимларига қарши кураш олиб

боришди. Нима учун ҳужумни бошқарма, бўлим бошлиқларига қаратди. Нега бу «жангларда» милиция ходимлари ҳимоясиз қолдилар? Жиноятчилар айшини суриб, оддий бригадир, табелчи, тракторчи ҳисобчилар дорга судралди.

Бу «жазо отрядлари», уларни ўзгача ном билан аташ мушкул, келиши билан инсон қадр-қимматини, хуқуқларини паймол қилиш, ҳақсизлик авж олди. Ўзбекистон ҳаётини, миллий руҳини, урфодатини асло билмайдиган, ҳатто менсимайдиган бу шахслар бизни энг ёмон жиҳатлар билан оламга танитмоқчи бўлдилар. Бу борада улар келтирган зарарни ким тўлайди?!

Улардан нима қолди? ... Фақат майиб-мажруҳ кўнгиллар. Бу ҳақида гапираверсак...

— Суд кетаётган пайтда, 1988 йил, — дея суҳбатга қўшилади Бўстонлик тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари М. Раҳматбоев, — ягона сиёсий кунни ўтказишга вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ю. Торопов таклиф қилинган. «Жиноятчиликка қарши кураш ҳақида» мавзудаги суҳбат ўрнига: «Бу ҳолваси, кўпчилигининг қамаласанлар ҳали. Мана учтаси ўтирибди, кунларнинг битди». — деб дағдаға қилиб кетгани ҳеч кимнинг ёдидан ҳануз чиқмаган бўлса керак. Шунанга «суҳбатдан» кейин қайси ходимнинг қўли ишга боради. Устига-устак ўша даҳшатли воқеадан кейин милицияимизнинг обрўси ҳам кескин тушиб кетганди. Жонини жабборга бериб ишлаётгани урф-одатини асло билшаштлари паст эди. Ахир,

кўз ўнгиларида ҳалол ва пок одамларнинг қанчалар қийналишиб, азоб чекаётганликларини билиб турганидан кейин...

Темур билан Хайридин бир ярим йил азоб чекишди, Русланнинг ёшлиги, тажрибаси йўқлиги ҳисобга олиними, ҳарқалай уни нақ икки йил ҳисбада ушлашди. Русланни партия сафига номзодликка кўрсатиб тавсиянома берган Мирзатилла акага туман фирқа қўмитаси ўз мажлисида анча дўппослашдан кейин ҳисоб дафтаридаги ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Бу ҳам камлик қилгандай вилоят ИИБ кўр-кўрона шошилинч буйруқ чиқариб, уни хизмат лавозимига қисман нолийқ деб топди. Мана шунга айтсалар керакда, ўлганнинг устига чиқиб тепмоқ, деб.

Мен бу ишларнинг барига фалсафий жило бериб, ўқувчининг бошини қотирмоқчи эмасман. Зеро ҳамма нарса изга тушганда, айбдорлар аллақачон тупроғимиздан чиқиб, бошқа курсиларга маҳкам ўрнашиб олишга улгуришганди. Халқимизда «аввал пичоқни...» деб бошланадиган нақл бор. Шуниси ҳам аниқки, уларнинг айблари нечоғлиқ инкор қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботланмасин, ҳеч қандай куч уларни пиширган ошларидан татиб кўришга мажбур қилолмайди. Ҳеч қандай Қонун (биздаги албатта) уларни жазоламайди. Шундай пайтда беихтиёр Худого мурожаат қиларкан одам: «Худо, бундайларнинг жазосини ўзинг бер».

Уларнинг чангалида бе-

гуноҳ азоб чеккан А. Юнусов, Т. Қоратоев, Х. Миролимов, Р. Гайфуллин, Т. Сатторов, Ш. Рўзमतов, Аҳмедов, У. Тожихонов каби инсонларнинг азоблари, уқубатлари, фарзандларининг, ота-оналарининг кўз ёшлари «билимдон қонуншуносларни» тинч қўймас.

Бугун Қоратоев, Миролимов, Гайфуллинлар қайта ўз ишларида тер тўкишмоқда. Учови яхши ходим бўлиш билан бирга асл инсонлардир ҳам. Шунча қийинчиликларга қарамай улар бир-бирларини суядилар, бир-бирларига ишондилар, хиёнатдан узоқ бўлдилар. Алдовларга, найрангларга учиб, жонининг ҳузурини ўйлаб хонинқ қилиб, ўзгаларнинг пок номларига доғ теккизмадилар, ҳалол одамларнинг оёғини бу панжараларга яқинлаштирмадилар, хўрликка маҳқум этмадилар. Қамоқхона ҳужраларида ҳам жисмоний машқ қилишни қанда қилмаган Темур Қоратоев йигитларини ҳар томонлама руҳан қувватлаб, далда бериб турди. Тушкунликка тушишига йўл қўймади. Ҳам раҳбар, ҳам оддий дўст бўлиб, уларнинг қалбига йўл топа билди. Ўзи ҳаётдан безган кунлари уни собиқ ИИБ ходими Анвар Юнусов (бу киши ҳақида насиб этса, кейинчалик ёзармиз) оталарча панд-насихат, ўғитлар бериб, юрагига умид учқунларини солиб турди.

Гоҳ ҳазил, гоҳ қайғу аралаш бир-бирларига ўша кунлар воқеасини эслатишар экан, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмасликка интилишади. Уларни тинглар

эканман, дардлари жуда кўплигини, аламлари бисёрлигини уқаман.

Кўрган кўргиликларни қасдида инсонлигини сақлаб қолишганига офаринлар айтаман. Бегуноҳ чеккан жафолари эвазига янада ўзгача ғайрат, шижоат, фидоийлик билан ишлагаётганларига ва бунга ўзларида куч, ирода топа олганларига ҳавасим келади.

Улар бугун ўз жойларига қайтдилар. Жуда кўп нарсаларни йўқотиб, бир умрга татигулик воқеалар шоҳиди бўлиб. Ҳозир ҳеч кимга айб қўя олмайсан. Берилган ҳайфсанлар ҳам, чиқарилган буйруқлар ҳам ҳаммаси қолиб кетавераркан. Айбдорнинг ўзи йўқ.

Шу ўринда менинг бир таклифим бор. Уларнинг хизмат унвонлари бундан беш йил аввал қандай бўлса, шундайлигича қолган. Менимча бу нотўғри. Ўша беш йил мобайнида олиши зарур бўлган унвонлар берилса, маънавий қувват бўларди. Бу ўринда, ҳеч бўлмаса, сабабсиз жабр торган бегуноҳ ходимларини ИИБ қўлласса.

Биз жумҳуриятимизда кейинги беш йилда ўлкамизга тартиб ўрнатиш учун таширф буюришга «ишбилармон арбоблар»нинг чангалида уқубат торган уч милиция ходими ҳақида гапирдик. Зеро, бу каби топталган, хўрланган тақдирлар оз эмас. Ва бу йилларнинг қатагон йилларидек мудҳиш хотиралари ҳали кўп авлодларимиз юрагида доғ бўлиб туради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ НАВРЎЗ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФЛИ БЎЛМАГАН ЕНГИЛРОҚ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ҚАМОҚ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРНИ АВФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ФАРМОНЛАР ЧИҚАРДИ. ҚУИДА АНА ШУ ФАРМОНЛАР ШАРҲЛАНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «НАВРЎЗ» ШАРАФИГА АВФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНГА ШАРҲ

Наврўз барча халқларни, ҳамма одамларни тинчликка, эзгуликка, олийжаноблик ва инсонпарварликка даъват этувчи қадимий умумхалқ баҳор байрамидир. Ривоятларга кўра наврўз кунни ҳамма гина-кудратлар, можаролар унутлади ва гуноҳлар кечирлади. Ана шу яхши анъаналарга амал қилиниб, республикада Ўзбекистон судлари томонидан ҳукм этилган шахсларнинг айрим тонфаларига нисбатан инсонпарварлик қилиш тўғрисида қарор қабул этилди. Шу мақсадда республика Президентининг 1991 йил 22 февралдаги фармойиши билан жамият учун унча хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган ва тўғри йўлга қатъий ўтиб олган шахсларни авф этиш тўғрисида материалларни тайёрлаш учун алоҳида комиссия таркибига республика халқ депутатлари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилот-

лари ва диний ташкилотларнинг арбоблари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари киритилди. Комиссия қисқа муддатда катта ишни амалга оширди. Комиссия аъзолари ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидаги ишларнинг аҳволи билан танишиб авф этишга муносиб маҳбуслар билан яқма-яқна суҳбатлашди-лар, жинсий иш материалларида, маҳбуслар содир этган жинсий ҳатти-ҳаракатларнинг қанчалик оғир эканлигини, уларнинг ижтимоий ва оилавий аҳволини батафсил ўрганиб чиқдилар ва шу асосда авф этиш ёки қамоқда сақлаш муддатини қисқартириш мумкин бўлган шахсларни аниқлашди-лар. Ўзбекистон ССР Президенти бир неча фармонларни (1991 йил 22 февралдаги; 1991 йил 6 мартдаги; 1991 йил 9 мартдаги; 1991 йил 20 мартдаги фармонларни) тасдиқлади, шу фармонлар асосида жамият учун унча

хавфли бўлмаган енгилроқ жиноят содир этган ҳамда тўғри йўлга тушиб олган мингга яқин киши авф этилди. Авф этиш чоғида катта ёшдаги шахсларга, ҳомилдор аёлларга, шунингдек аёллар ва балоғатга етмаганларга алоҳида эътибор берилди. Мазкур тоифадаги кишиларнинг муайян қисми бундан буён жазони ўташдан бутунлай озод қилинади, баъзиларига нисбатан жазо тури ўзгартирилиб, озодликдан маҳрум этиш ўрнига меҳнатга мажбуран жалб этиш йўли билан жазони ўташ жойидан шартли озод қилинади, қолган қисмининг жазо муддатлари қисқартирилди.

Мазкур авф этиш тадбирлари ўт қўйишларда, қирғинларда, талончиликда, кишиларнинг ҳаётига суиқасд қилишда, пора олишда, квартираларга тушиб мол-мулкни ўғирлашда ва бошқа оғир жиноятларда қатнашган кишиларга нисбатан қўлланилмайди.

Авф этилганлар орасида кўпгина миллатларнинг вакиллари: ўзбеклар, руслар, қирғизлар, қozoқлар, тожиклар, туркманлар, арманлар, татарлар, яҳудийлар ва бошқа миллатга мансуб кишилар бор.

Шубҳа йўқки, бу инсонпарварлик тадбири авф этилганларнинг оилалари ва қариндош-уруғларига хурсандчилик келтиради, ўз аҳамияти билан наврўзни бойитади ва безатади, жамиятимизнинг маънавий-руҳий ҳолатига ҳаётбахш таъсир ўтказиши ва халқ бу тадбирни мамнуният билан кутиб олади.



Сиз ушбу суратларда кўриб турган аёллар бугун ахлоқ тузатиш колониясида охири кунларни ўтказиб юрган бўлсалар ажаб эмас. Президент фармонига кўра уларнинг айримларига авф эълон қилинди.

Суратларда: Наврўз кунлари бу ерга Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси уламиси Муҳаммад Латиф маҳкумалар ҳузурига ташриф буюрди; байрам кўринишлари.

Ольга ЖУРАВЛЕВА олган суратлар.



● ФУТБОЛ ● ФУТБОЛ ● ФУТБОЛ

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

23 март кунни мамлакат биринчилигининг навбатдаги ўйинлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» Донецкда «Шахтёр» жамоасининг меҳмони бўлди. Учрашувнинг биринчи бўлими мезонлар устунлигида 1:0 ҳисоби билан яқунланди. Тўпни И. Петров киритди.

Иккинчи бўлимда пахтакорчилар бирмунча фаоллашдилар. 54-дақиқада И. Шкварин тўпни дар-

воза тўрига аниқ йўллай билди. Шуниси ажабланарлики, футболчиларимиз аввалги ўйинда бўлганидек, бу учрашувда ҳам санокли лажзаларда мухлислар кайфиятини бузишди. 55-дақиқа уларга мағлубият келтирди. Рақиблар ўйинчиси теган тўп бехато бўлди. «Пахтакор»нинг кетма-кет мағлубиятига қарамасдан ишқибозларда умид учқунни ҳали сўнгани йўқ. Асосий ўйинлар олдинда. Ноумид...

31 март кунни Москванинг «Спартак» жамоаси пахтакорчиларни қабул қилади.

Эркин САТТОРОВ.

КИТОБЛАР МУСОБАҚАСИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон пойтахтида Урта Осиё жумҳуриялари ва Қозоғистон «Китоб санъати» танлови бошланди. Бу кўрик китоблар, рўзнома-

лар, ойномалар, плакатларни безашда бевосита қатнашаётган ноширлар, рассомлар, босмахона ходимларининг ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлади.

Урта Осиё минтақасидаги йirik нашриётлар, шунингдек жумҳурият ва вилоят ойномаларининг тахририятлари бу танловга ўз ишларини тақдим этишди.

[ТАСС]

1972 йилда Қўрғонтепа шахрини Ойим қишлоғи билан боғловчи йўлда, аниқроғи, шу қишлоққа кираверишда юз берган жиноят ҳалиҳануз унинг кўз ўнгидан кетмайди. Уқтин-ўқтин номаълум шахс томонидан ваҳшийларча ўлдирилган чолнинг моматалоқ бўлиб кетган юзини унутолмайди.

Ушанда Нуъмонжон ака темирни қизигида бос, деган нақлга амал қилди. Зудлик билан воқеа юз берган жойни ўрганиб чиқди. Лекин қотилни топиш насиб этавермади.

— Жиноятни очолмаган милиция ходимини ҳеч қачон кечиролмайман,— дейди Нуъмонжон ака хаёлчан.— Чунки халқ сенга ишониб, ўз осойишталигини муҳофаза қилишни топшириб қўйса-ю, сен бу ишнинг уддасидан чиқолмасанг, бундан ортиқ шармандалик бўлмайди. Шу сабаб ҳам ўз ёғимга ўзим қоврилардим.

Шундай қилиб, роппа-роса 45 кун деганда унинг устидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Яқинда ўрта мактабни амал-тақал қилиб битирган мархумнинг қўшниси Турғунбой исми йигитни ҳибсга олди. Тергов жараёнида бу шахс 5 сўм пул учун бир мўйсафиднинг умрига зомин бўлганига иқдор бўлди.

Бундай воқеалар истеъфодаги милиция подполковниги Нуъмонжон ака Рамазоновнинг хизмат фаолиятида кўп бўлган.

Баъзан ёшлар у киши билан учрашганда сўраб қолишади:

— Айтгинчи, нима сабабдан бундай машаққатли касбни танлагансиз?

Шунда Нуъмонжон ака бир муддат сукут сақлаб, кейин ўйчан қиёфада гап бошлайдилар.

— Ешлик чоғларимизда Андижоннинг машҳур Хў-

жанариғида лойқа сувда чўмилишни хуш кўрардик. Аммо соҳилга ечиб қўйган кийимларимизни зўравон болалар олиб кетар ёки сувга улоқтиришарди. Роса мушталардик. Ўйлаб қарасам, ўша пайтдаёқ зўравонликини кўргани кўзим йўқ эди. У энди оддийгина, болаларча келишмовчилик, лекин улғайгач, ҳаётда ўша келишмовчиликнинг янада кучли кўринишларига дуч келдим.

1947 йилда у киши она шахридаги ўқитувчилар тайёрлаш олий билимгоҳини битирди. Биноийдек ўқитувчи бўлди. Лекин бу билан қаноатланмай Тошкентдаги олий милиция мактабига ўқинишга кирди. 1950 йилда мактабни тамомлагач, Тошкент вилояти ИИБга хизматга тайинланди. Милиция мактабидан олган назарий билимларини амалиёт билан боғлади. Бу ишда жиноят қидирув бўлимидаги моҳир ходимлар — Аверин ҳамда Буриловлардан кўп нарсаларни ўрганди.

Ниҳоят, 1957 йили киндик қони томган она юртига қайтиб келди. Ўша пайтдан то пенсияга чиққунча Андижон вилояти ИИБ жиноят қидирув бўлимида фаол ишлаб келди.

— Бу соҳада ниҳоятда сезгир, жасур ҳамда ишбилармон бўлиш керак,— деб уқтирарди шоғирдларига.— Жиноятчи шоҳида юрса, сен баргида юришинг керак. Акс ҳолда кулги бўлиш ҳеч гап эмас.

Қисқа қилиб айтганда, у ўз касбини бутун вужуди билан севарди. Имон-этиқодини шу касбга бағишлади. Топгани обрў-этибор, беқиёс ҳурмат бўлди. Бугунги кунда эса маҳалла қўмитасининг раиси сифатида диққатга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Маъмуржон БОЛТАБОВЕВ.

1991 ЙИЛДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАЛАРИ

МУНДАРИЖАСИ

- Жанговар қуролдан ўқ отиш. Автокўпкураш. 20-23 сентябрь Хмельницкий
- Енгил атлетика кросси ва хизмат биатлони. 2-5 октябрь Краснодар
- Кинологлар кўпкураши. Октябрь Нальчик
- Самбо кураши. Ноябрь Челябинск
- Қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилиш. 19-24 декабрь Кострома

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

- Самбо кураши. апрель Қизил
- Дзюдо кураши. октябрь Курск

ЎзССЖ ИИБ АТИБ жамоаси оғир жудолликка учради. УЯ-64/7 муассасаси бошлиғи ўринбосари Наталья Николаевна БАН фожиали равишда ҳалок бўлди.

Н. Бан 1950 йили Кемерово вилоятининг Анжеросуженский туманидаги Яя поселкасида туғилди. ИИБдаги меҳнат фаолиятини 1973 йили оддий ходимликдан бошлади.

Ички хизмат майори Н. Бан топширилган ишга катта масъулият билан ёндашарди. Унинг хизмати қатор медаллар, ЎзССЖ ИИБ Фахрий Ерликлари билан тақдирланган.

Ажойиб инсон, меҳрибон, ғамхўр, ҳамиша ёрдамга тайёр ҳамкасбимиз хотираси ёдимизда мангу қолади.

Ички ишлар идоралари кексаси—ЎзССЖ ИИБ АТИБ ходими, заҳирадаги ички хизмат майори Андрей Алексеевич ЛАМАН тўсатдан вафот этди.

1919 йили туғилган А. Ламан ички ишлар идораларидаги хизматини 1937 йили кичик лейтенантликдан бошлаб, ички хизмат майоригача бўлган йўлни босиб ўтди. Турли лавозимларни эгаллади, ҳамма ерда топширилган вазифага ижодий, мутахассисларча ёндашди. Ўз тажрибасини ёш ходимлар билан сиққидилдан баҳам кўрди.

1978 йили заҳирага чиққанидан сўнг ҳам АТИБ аппаратида ишлашни давом эттириб, умрининг сўнги кунларигача ўзининг бор билими ва кучини Ватанга хизмат қилишга сарфлади.

А. Ламан ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. ЎзССЖ ИИБ АТИБ жамоаси Андрей Алексеевич Ламан оиласига ва яқинларига ҳамдодлик билдиради. Унинг хотираси ходимларимиз қалбидан сира ўчмайди.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир — 32-38-86, мухаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР